

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(2019 йил ноябрь)

Мудирлар:

Даволаш факультетига қарашли “1-сон ички касалликлари пропедевтикаси” кафедраси
Тиббий профилактика факультетига қарашли “2-сон умумий жарроҳлик” кафедраси

Доцентлар:

Даволаш факультетига қарашли “1-сон умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси
Даволаш факультетига қарашли “1-сон факультет ва госпитал терапия ва касб касалликлари курси” кафедраси
Малака ошириш факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ва ХДЖ” кафедраси

Катта ўқитувчи:

Даволаш факультетига қарашли “1-сон болалар касалликлари” кафедраси

Ассистентлар:

Даволаш факультетига қарашли “Хирургик касалликлари” кафедраси
Даволаш факультетига қарашли “1-сон болалар касалликлари” кафедраси
Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси
Даволаш факультетига қарашли

“Офтальмология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Асаб касалликлари кафедраси, тиббий психология ва психатрия курси билан” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Гистология ва тиббий биология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Информатика ва биофизика” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Анатомия ва клиник анатомия” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Микробиология, вирусология ва иммунология” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “1-сон ички касалликлар” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Нормал ва патологик физиология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Реабилитология халқ тиббиёти ва жисмоний тарбия” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган кундан бошлаб, ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.

Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

ТТА Ректори ва касаба уюшмаси Травматология ортопедия ва ХДЖ кафедраси доценти, т.ф.д Хамраев Алишер Шохобовичга волидаи муҳтарамаси

Акромова Олима аянинг

вафоти муносабати билан мархуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI

MUHARRIR
TURDIQUL
BOBOMURATOV

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, M. Hasanova

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahilalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q.Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00



TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI № 10 2019 YIL 29 OKTYABR

21 октябрь – Ўзбек тили байрами кун

ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

**Ўзбекистон Республикаси
“Давлат тили ҳақида”ги Қонун
қабул қилинганига ўттиз йил
тўлди.**

Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида Президентимизнинг қарори эълон қилинди.

2019 йил 21 октябрь куні Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинганига ўттиз йил тўлди. Мазкур тарихий ҳужжатга биноан ўтган йиллар давомида она тилимиз мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди. Ҳозирги кунда ўзбек тили ҳаётимизнинг барча жаҳаларида – давлат ва жамият бошқаруви, давлатлараро муносабатлар, илм-фан, таълим-тарбия, тиббиёт, маданият ва санъат соҳаларида фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили ҳақида”ги Қонун қабул қилинганининг ўттиз йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби ҳамда ўтказиладиган оммавий маънавий-маърифий чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда мутасадди вазирилик ва идоралар билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг пухта тайёргарлик асосида, юқори савияда ўтказилишини таъминлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги барча туманларда байрам тадбирларини ташкил этиш, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўзбек тили мавзусида иншолар танловини ўтказиш, мамлакатимиздаги театр ва кинотеатрлар, маданият саройларида буюк алломаларимиз ҳақидаги спектакллар, бадий ва ҳужжатли фильмлар намойишини ташкил этиш, “Ўзбек тили тараққиёти ва халқаро ҳамкорлик масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференциясини ўтказиш, ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк мутафаккир бобокалонимиз Алишер Навоийга Тошкент шаҳридаги Миллий боғда.



МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

**Барчамизга маълумки, XXI аср ислохотлар,
ахборотлар, янгилликлар, инновацияларни
доимий ҳаётимизга жорий этишни тақозо
қиладиган давр сифатида инсонларни янгича
дунёқарашини, жамиятни мутлоқ янгича
шаклланишини талаб қилмоқда.**

Бундай шиддат билан жадал ривожланиш пайтида мамлакатимизда барча соҳалар каби олий таълимда ҳам изчил ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ёшларни олий таълим муассасаларига жалб қилиш, уларга қўшимча имкониятлар яратиш, ҳудудларда кадрлар танқислигини ҳисобга олиб регионал квоталар ажратиш каби ишлар бажарилмоқда. Ёшларни олий таълим билан қамраб олиш йилдан йилга кўпаймоқда, сўнгги йилларда бир қанча олий таълим ва хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари ишга туширилди.

Бугунги кунда тизимли ишлар, яратилган шароитлар, таълим олиш учун интилган ёшларни жалб қилиш каби вазифаларни бажариш таълимни мазмунан янги босқичга олиб чиқиш талаб этилади. Олий таълим мазмунини бойитиш, таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, таълимни халқаролашуви ва кадрларни рақобатбардошлигини таъминлаш, қолаверса олий таълим муассасаларини халқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллаш талаб этилади.

(Давоми 4–5-бетларда.)

(Давоми 2-бетда.)



Хикмат

*Олисдаги шуъла кўзингни нақши,
Лек кўнглингда мудом нур бўлса яхши.*



Хикмат

ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шунингдек, вилоят ва шаҳарларда ўрнатилган ҳайкаллар пойига гул қўйиш маросимини уюштириш, мамлакатимизнинг хориждаги элчионалари ва дипломатик ваколатхоналарида ўзбек тилига бағишланган байрам тадбирларини ўтказилиши ва "Ўзбек тилининг дўстлари клубларини тузиш, худудларда тил байрамга бағишланган адабий-маърифий кечалар ҳамда янги китоблар тақдиротини амалга ошириш ҳамда 21 октябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги санъат саройларида Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинганнинг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбирларини ташкил этиш топширилди.

Тил миллат қиёфасининг бир бўлаги. Мана бугун Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг 30 йиллик шодиёнаси юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик вакиллари, санъат ва илм-фан намоёндалари томонидан тилнинг нуфузи ва бугунги шодиёнаси борасида қатор чиқишлар, тадбирлар, маърифий дастурлар халқимизга ҳавола этилмоқда. Ўз элини севган, ўз тилини ҳурматлаган миллат ҳаммиси ҳар вақт юксалаверади.

Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида ҳам бу муҳим шодиёнага тиллар кафедраси мудири Д.Исмоилова ҳамда кафедра ўқитувчилари иштирокида муносиб тайёргарлик кўрилди. Қарорга биноан биринчи ва иккинчи босқич ўқувчилари ўртасида "Тил – миллат ифтихори" мавзусида иншолар танлови, биринчи босқич ўқувчилари ўртасида деворий газеталар танлови ўтказилди. "Фаҳрим, ифтихорим ва ғуруримсан – она тилим!" мавзусида русийзабон гуруҳлар иштирокида беллашув бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинганнинг ўттиз йиллик шодиёнаси муносабати билан академик лицей директори А.Шермуратов табриқлаб, Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиши йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлганини, истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби тилимиз тараққиётида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берганини, ўзбек тилининг халқро миқёсида обрўси ошганини алоҳида таъкидлаб ўтди. "Давлат тили ҳақида"ги Қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоён этиш билан бирга, уни илмий асосда ривожлантириш борасида кенг имкониятлар

яратганини, ҳар бир ўғил-қиз ўз давлат тилини мукамал билган ҳолда унга бўлган садоқатини намоён қила олмоғи жоизлигини кўшимча қилди.

Ўтказилган иншолар танлови ўқувчиларда миллий ифтихор туйғуларини янада ривожланишига туртки бўла олди. Тадбир давомида танловлар ғолиблари муносиб тақдирланди. Академик лицейда бўлиб ўтган тадбир ўз қўламини салоҳияти билан ўқувчиларга тилимизнинг обрўси ва нуфузини яна бир қарра юқори мавқега эга эканлигини исботлади.

Тил чин маънода миллатнинг маданий ўзаги, халқни бирлаштириш воситаси. Ўзликни қарор топтирувчи асосий куч. Халқнинг ифтихори ва ғуруридир. Она тилимизнинг юксалиши дунё ҳамжамиятидаги нуфузи учун бугунги кун келажак эгаларини миллий тилимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш асосий бурчимиздир. Зеро, юрт истиқболининг нурафшон йўли миллий ғурур ва фаҳр туйғуси билан чамбарчас боғлиқ. Она тилимизнинг халқро миқёсидаги нуфузи, обрўси, унинг жаҳон минбарларидан жаранг сочиши ҳар биримизнинг ғуруримиздир.

Нигора ҲАКИМОВА,
ТТА академик лицей
маънавият-маърифат ишлари
бўйича директор ўринбосари



Талабаликка бағишлов

САҲНАДА ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ

"Туркистон" саройида Тошкент тиббиёт академияси томонидан ташкил этилган "Биз Ибн Сино издошларимиз" шиори остида талабаликка бағишланган маънавий-маърифий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

Ҳар йили анъанавий равишда ўтказилиб келинаётган мазкур тадбирда академиянинг профессор-ўқитувчилари, тиббиёт ходимлари, талабалар ва уларнинг яқинлари иштирок этдилар.

Тадбир аввалида "Туркистон" саройи фойесида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг ижроси доирасида ташкил қилинган кўргазма намоёйиш этилди.

Унда биринчи курс талабалари томонидан чизилган расмлар, талабаларнинг спорт мусобақаларида эришган ютуқлари, Давлат стипендиатлари, иқтидорли ёшлар ва улар эришган муваффақиятлар билан танишув, талаба қизлар то-

монидан тайёрланган тикувчилик кўргазмалари ҳамда китоб савдоси ва китоб кўргазмалари намоёйишлари ўтказилди.

Тошкент тиббиёт академияси ректори Лазиз Тўйчиев тадбирни кириш сўзи билан очиб берар экан, Тиббиёт академияси остонасига қадам қўйган биринчи босқич талабаларини нуфузли даргоҳга ўқишга қабул қилинганликлари билан табриқлаш баробарида, уларни келажакда билимдон, ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишида тинмай ўқиши, изланиши, ўз устида муттасил ишлаши кераклигини ҳам таъкидлаб ўтди.

(Давоми 3-бетда.)



БУЮК МАҚСАДЛАР БИЛАН ЯШАШ САОДАТИ

Ҳар бир инсон ортида авваломбор янада улуғ инсон Устоз туради. Тақдир бизни том маънодаги саховатли инсон – тиббиёт фанлари номзоди, доцент Наиля Дадабаева Акрамовна билан учраштиради. Биз уларни устозимиз деб биламиз. Чунки улар бизга нафақат тиббиёт балки инсонийлик, ҳамкасблар ва беморлар билан муомала қилиш, ҳар қандай вазиятда ўзликни йўқотмаслик, инсонлар қалбига йўл топиш сабоғини бердилар.

Наиля Акрамовна ажойиб фазилатлар соҳиби, меҳнатқаш, масъулиятли инсон, оила даврасида меҳрибон она, сеvimли буви, дўстлари ва ҳамкасблари орасида ишончли ва самимий дўст, қаттиққўл, талабчан раҳбар, меҳрибон, фидойи устоз ва бетакрор аёл, шогирд, талабалар учун билимлар хазинаси ҳамда ибратли умр эгасидир. У етук олим ва амалиётчи сифатида ички касалликлар бўйича ўзига хос илмий-амалий мактабни ташкил қилган.

Наиля Дадабаева 1939 йил 10 сентябрда Тошкент шаҳрида дунёга келди. 1956 йил мактабни олтин медалга тамомлаб, тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирди. Тошкент давлат тиббиёт институтини имтиёзли дипломга битиргандан бери бутун умрини ушбу даргоҳ билан чамбарчас боғлаб келмоқда.

Устозимизнинг иш фаолиятига тўхталиб ўтадиган бўлсак, 1962 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатгандан сўнг терапия кафедрасидан клиник ординатурага ўтдилар, 1967 йилда аспирантурани тугаллаб, Тошкент давлат тиббиёт институти тиббий профилактика факультетининг ички касалликлар кафедраси ассистенти лавозимида ишладилар. 1984 йилдан бери доцент лавозимида ишлаб келмоқдалар. Йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясидаги барча олиб борилаётган ишларда Наиля Акрамовна фаол иштирок этдилар. У илмий анжуманларми, у спорт байрамларими, вилоятлар миқёсидаги тиббий кўрикларми, қўйинги, Тошкент тиббиёт академиясининг барча тадбирларида устозимизнинг доимий иштирокини кўриш мумкин.

Улар 4,5,6,7-курсларга дарс бериш билан бирга кардиология йўналиши бўйича магистратурада талабаларга билим бердилар. Юксак педогогик маҳорат

билан ўқийдиган маърузалари тўфайли, нафақат ҳамкасблари, балки талабалар, магистрлар кўнглидан чуқур жой эгаллаган. Устозимизнинг дарс ўтиш жараёнида ўзига хос принциплари мавжуд, улар ҳар бир талаба руҳиятига индивидуал ёндошган ҳолда дарс ўтадилар.

Қўплаб магистр шогирдлари ҳозирда чет элларда: АҚШ (Е.Шалаева), Швеция (Э.Ахмеджанова), Че-

малака оширдилар. ОТВ томонидан ташкил қилинган ОТМлар аттестациясида, хусусан Андижон, Бухоро тиббиёт институтлари назоратида қатнашганлар.

Устозимиз бошчилигида олиб бориладиган илмий изланишлар асосан юрак-қон томир тизими касалликларини замонавий текшириш усуллари ёрдамида баҳолаш, коморбид ҳолатларда даволаш принципларига қаратилган.

Наиля Акрамовна нафақат маҳаллий конференция ва анжуманларда балки халқро миқёсида ўтказиладиган тадбирларда маърузалар билан фаол иштирок этганлар.

Наиля Акрамовна инсон саломатлигини сақлаш, беморлар дардига дармон бўлиш, умрига умр, ёшига ёш қўйиш каби буюк ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Улар нефрология, эндокринология, пульмонология, ревматология, кардиология бўлимларида даволаш ишларини олиб борганлар. Санавиация бўйича республиканинг деярли барча вилоятларида оғир ва мураккаб беморларга ёрдам кўрсатганлар. Устозимиз улкан меҳнатлари учун фахрий ёрликлар билан ҳамда ЎзР ОУТВнинг меҳнат фахрийси унвони билан тақдирландилар.

Биз кафедра ходимлари Наиля Дадабаевани таваллуд кунлари билан муборакбод этамиз, уларга соғлиқ-омонлик, тинчлик-хотиржамлик, шогирдларни етиштириш ва беморларга ёрдам беришда битмас-туганмас куч-қувват тилаймиз. Устозимизнинг ҳаётини ва ижодий йўли биз учун доимо ўрнак бўлади. Яна бир бор таваллуд айёмингиз муборак бўлсин устоз!

Н.НУРИДИНОВА,
З.ШОАЛИМОВА,
ТТА малака ошириш факультети
1-сон ички касалликлари
кафедраси доцентлари



хия (Т.Музаффарова)нинг нуфузли тиббиёт муассасаларида фаолият юритмоқдалар.

Кафедрада кўп йиллар давомида ўқув ишлари бўйича масъул бўлдилар. Ички касалликлар бўйича монотематик ҳайъат аъзоси сифатида бир неча йил фаолият юритдилар. Умумий амалиёт шифокори учун КВХ ишлаб чиқишда бошчилик қилдилар. Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этганлар. Талабалар, клиник ординаторлар, магистрлар, шифокорлар учун жами 28 та ўқув услубий, рус ва ўзбек тилларида ЭКГ бўйича қўлланмалар тайёрладилар. Халқро ва республика миқёсида 200дан ортиқ илмий ишлари нашр қилинди. Устозимиз доимий равишда ўз устида ишлаб, малакаларини ошириб бердилар, нафақат республика миқёсида балки Москва ва Киевда бир неча марта



ТТА бўйича ноябрь ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Туғилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Бобобеков Аъзам Рахматович	25.11.1963	1-сон умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси катта ўқитувчиси
2	Мидасов Масут	16.11.1951	1-сон факультет госпитал терапия ва касб касалликлари курси доценти
3	Қосимова Маъсуда Бурхановна	23.11.1965	1-сон факультет госпитал терапия ва касб касалликлари курси доценти
4	Тошматова Гулноза Аълоевна	15.11.1988	1-сон болалар касалликлари кафедраси ассистенти
5	Каримджанов Илхамджан Асамович	20.11.1955	2-сон болалар касалликлари кафедраси мудир
6	Рахимджанова Гулнора Абдумаджидовна	27.11.1982	ЛОР ва стоматология кафедраси ассистенти
7	Эгамбердиева Саида Инамджановна	13.11.1963	Офтальмология кафедраси ассистенти
8	Наджмитдинов Ялқин Саидахматович	05.11.1957	Урология кафедраси доценти
9	Худайбердиев Хуршид Баходирович	28.11.1975	Урология кафедраси ассистенти
10	Тешаев Октябр Рухиллаевич	25.11.1963	Хирургик касалликлар кафедраси мудир
11	Сидиқходжаева Мохира Адилходжаевна	21.11.1968	Акушер-гинекология кафедраси доценти
12	Хуббимов Воҳид Мухторович	02.11.1989	Бухгалтериянинг 1-д.бухгалтери
13	Нурбаева Хабиба Ботировна	30.11.1977	Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими услубчиси
14	Саидова Гулчехра Матяқубовна	02.11.1968	Илмий-услубий ва ахборот маълумот бўлимининг 1 тоифали кутубхоначи
15	Аслонов Мехриддин Нуритдинович	13.11.1984	Таҳририй-нашриёт бўлими бошлиғи
16	Корсун Галина Рафаиловна	29.11.1953	Ўқув услубий бўлим назоратчиси
17	Сафаров Улуғбек Қаршибой ўғли	21.11.1990	Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиғи
18	Акбаров Аҳмаджон Хасанович	17.11.1968	Бош муҳандис
19	Тўхтаходжаева Феруза Шамансуровна	06.11.1963	Мониторинг ва ички назорат бўлими услубчиси
20	Отажонова Азиза Нигматуллаевна	20.11.1963	Гистология ва тиббий биология кафедраси катта ўқитувчиси
21	Самадова Фотима Ражабовна	17.11.1989	Гистология ва тиббий биология кафедраси ассистенти
22	Кулманова Муножат Усоновна	09.11.1978	Тиббий ва биологик кимё кафедраси мудир
23	Эргашов Адхамжон Тожимуродович	12.11.1961	Тиббий ва биологик кимё кафедраси доценти
24	Собиржонов Абдусамад Зоҳидович	08.11.1979	Информатика ва биофизика кафедраси катта ўқитувчиси
25	Миршарапов Уткир	19.11.1947	Анатомия ва клиник анатомия кафедраси профессори
26	Пулатов Хабибулла Хайруллаевич	01.11.1967	Анатомия клиник анатомия кафедраси ассистенти
27	Аскарлов Осимжон Олимжонович	03.11.1989	Фармакология кафедраси ассистенти
28	Касимова Дилфуза Абраворна	08.11.1972	Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби доценти
29	Раманова Дилдора Юлдашевна	16.11.1981	Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби ассистенти
30	Хакимова Дурдона Сайдиновна	28.11.1989	Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси ассистенти
31	Тошбоев Ботирали Юнусбаевич	07.11.1969	Эпидемиология кафедраси катта ўқитувчиси
32	Шайхова Гули Исламовна	27.11.1951	Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси профессори
33	Султанова Халида Турсунмуратовна	12.11.1955	Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
34	Хикматуллаев Рухилла Забиҳуллоевич	08.11.1982	Суд тиббиёти кафедраси ассистенти
35	Ишмухамедова Шахло Бахтиёрровна	05.11.1988	Аллергология, клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси ассистенти
36	Бабаева Зухра Нуриллаевна	26.11.1968	Нормал ва патологик физиология кафедраси катта ўқитувчиси

ТТА ректорати ва касоба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд кунлари билан муборакбод этади.

САҲНАДА
ИБН СИНО
АВЛОДЛАРИ

(Давоми. Боши 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан ташриф буюрган мутасадди раҳбарлар ҳам сўзга чиқиб ёшларни талабалikka қабул қилинган билан кутлаб, келажакдаги ўқишларига муваффақият тиладилар.

Шундан сўнг илм-фан тамаддунига муносиб ҳисса қўшган олимлар Афлотундан Академия тимсолини, Гипократдан қасамёд сўзлари битилган рамзий битикни, Абу Райҳон Берунийдан Хоразм Маъмур академиясининг рамзий белгисини, Абу Али ибн Синодан "Тиб қонунлари" китобини, ар-Розийдан "Қасаллик тарихи" бўйича баённомаси рамзий тимсолларини Академия ректори ва иқтидорли талабаларига тақдим этиш каби саҳна кўринишлари тадбир иштирокчиларининг олқишларига сазовор бўлди. Академиянинг биринчи курсига қабул қилинган 800 нафардан ортиқ талабалар қасамёд қабул қилди.

Жумладан улар она Ватан тақдирини билан ўз тақдирини чамбарчас боғлашга, бутун фаолиятини юртимизнинг буюк келажакига бахшида этишга, диёримиз тараққиёти ва гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишга, буюк аждодларимиз меросини чуқур ўрганишга, улар тўплаган ноёб ва нодир маънавият сарчашмаларини асраб-авайлашга, замонавий даволаш ва диагностика усулларини мукамал ўзлаштириб малакали кадр бўлишга, шифокор этикаси ва деонтологияси тамойилларига амал қилиб, беморларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ҳеч қачон ошкор қилмасликка, ота-она олдидаги фарзандлик бурчини унутмаслик, уни тўла адо этиш каби пурмаъно ғояларни ўзида мужассам этган сўзлар билан қасамёд этдилар.

Тадбир сўнгида янграган куй-қўшиқлар, дилбар рақслар йиғилганларга бирдай манзур бўлди.

Машхура ХАСАНОВА,
Фотима ИРСАЛИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Тиббиёт

Яқинда пойтахтимизда "Аллергик касалликларни диагностикаси ва даволашнинг инновацион методлари" мавзусида халқаро аллергологлар ва клиник иммунологларнинг конгресси бўлиб ўтди.

АЛЛЕРГОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Президентимизнинг 2018 йилнинг 11 майдаги "Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга таълим қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши тизимда олиб борилаётган ишларга дастуруламал бўлди. Ўз вақтида қабул қилинган бу қарорнинг негизидан бир қатор муаммолар ўз ечимини топтоқда.



Сўнги йилларда фармакология саноатининг улкан қадамлар билан тараққий қилиши, дори-дармонлар, биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқишга ихтисослашган хусусий компанияларнинг кескин кўпайиши оқибатида антибиотиклар, биологик фаол моддалар, иммун ва гормонал тизимларига улкан таъсир кўрсатувчи дори-дармонларнинг асосиз ва кенг кўламда қўлланилиши ҳам бу борадаги муаммолар кўламини чуқурлаштирди.

Аҳоли сони 33 миллиондан ошган мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катталар ва болалар аллергологлари мутахассислари етишмаслиги, бу жаҳзага ихтисослашган марказ ва даво муассасаларининг кам ва танқислиги оқибатида чекка ҳудуд ва туманлардаги беморлар ҳам ҳатто арзимасдек туюлган сабабларга кўра пойтахт ёхуд вилоят марказларига келишга мажбур бўлмоқдалар. Бугунги кунда катталар ва болалар аллергологларини тайёрлаш ва малакасини ошириб, қайта тайёрлаш жиҳатларига етарлича эътибор берилмаётган эди.

2019 йилдан бошлаб аллергологларни малакасини ошириш ва қайта ихтисослаштириш Республика Илмий ихтисослаштирилган аллергология маркази зиммасига юклатилди. Аллергик этиологияли хасталикларни ва бу соҳага ихтисослашган марказ ва даво муассасаларининг фаолиятларини статистик жиҳатдан назорати бўлмаганлиги боис жорий йил январь ойидан бошлаб июль ойигача 0-18 ёшдаги болалар ўртасида аллергик касалликларни аниқлаш, таълим қўйиш ва даволашни тўғри йўлга қўйиш учун бир марталик акция ўтказилди.

Ана шу юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Марказнинг шифокор аллергологлари юртимизнинг

барча вилоятларига ҳар ой чиқишлар қилиб, жойлардаги муаммоларни ҳал этиб, қўшимча маслаҳатлар ва маҳорат дарсларини ўтказиб қайтдилар.

Конгрессга дунёнинг йирик етакчи аллергологлари (Ҳиндистон, Россия Федерацияси) таклиф этилди. Тадбирда Ҳинд профессор Манав Манханда "Бронхиал астманинг оғир турлари даволашига янги чарча ёндашув" мавзусида маъруза қилди. Россия мамлакатидан ташриф буюрган академик Л.В.Луис ҳамда профессорлар Ё.С.Феденко ва А.В.Кудрявцевалар аллергик касалликлар таълими ва даволашда янги методлар хусусида маълумот бердилар.

Анжуманнинг биринчи кунини қизгин мунозара, баҳсларга, фикр ва мушоҳадаларга бой тарзда якунланди.

Иккинчи кунда эса Республика Илмий ихтисослаштирилган аллергология марказида Ҳинд профессор Манав Манханда даволанаётган беморларни кўриқдан ўтказди ва ўз тавсияларини берди.

Анжуман сўнгида марказ раҳбари, профессор И.Розиқова республика миқёсида "Аллерголог ва клиник иммунологлар Ассоциация"си тузиш бўйича Резолюция қабул қилиш таклифини киритди, бу ҳужжат иштирокчилар томонидан бир овоздан маъқулланди ва қабул қилинди.

Умид қиламизки, бу анжуман республикада аллергологик хизмат такомиллаштиришида ва халқаро алоқалар ўрнатилишига дебоча бўлиб хизмат қилади.

Қутбиддин НИЗОМОВ,
ТТА Аллергология ва клиник иммунология кафедраси катта ўқитувчиси,
Наргиза АЙДАРОВА,
ТТА Аллергология ва клиник иммунология кафедраси ассистенти



МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2019 йил 8 октябрь куни мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони имзоланди. Ушбу фармонда қўйилган вазифалар мамлакатимизда олий таълимни ривожлантиришни янги даври бошланганлигидан дарак беради. Фармонда замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш асосий мақсад қилиб белгиланган ва **Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси** тасдиқланган. Концепцияда бир қанча вазифалар назарда тутилган:

– олий таълим соҳасида **давлат-хусусий шерикликни** ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш асосида **олий таълим билан қамров даражасини 50 фоиздан** ошириш, соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш;

– Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг **флагманига** айлантириш;

– республикадаги камида **10** та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи **1 000** та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи **500** та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш;

– олий таълим муассасаларида

ўқув жараёнини босқичма-босқич **кредит-модуль тизимига** ўтказиш;

– халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан **амалий кўникмаларни шакллантиришга** йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш;

– олий таълим мазмунини **сифат жиҳатидан янги босқичга** кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган **юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини** йўлга қўйиш;

– олий таълим муассасаларининг **академик мустақиллигини** таъминлаш;

– олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи **“Университет 3.0”** концепциясини босқичма-босқич жорий этиш;

– хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасаларида **технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор** марказларини ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилувчи ва **прогноزلаштирувчи** илмий-амалий муассасалар даражасига олиб чиқиш;

– олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилари, докторантлари, бакалаврият ва магистратура талабаларининг юқори импакт-факторга эга нуфузли **халқаро илмий журналларда мақолалар чоп этиши**, мақолаларга иқтибослик кўрсаткичлари ошиши, шунингдек,

республика илмий журналларини **халқаро илмий-техник маълумотлар базасига** босқичма-босқич киритилишини таъминлаш;

– Ўзбекистон олий таълим тизимини Марказий Осиёда халқаро таълим дастурларини амалга оширувчи **“хаб”**га айлантириш;

– олий таълимнинг **инвестициявий жозибдорлигини** ошириш, хорижий таълим ва илм-фан технологияларини жалб этиш;

– талаба-ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган **бешта ташаббусни** амалиётга татбиқ этиш;

– олий таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник базасини, шу жумладан, халқаро молия институтларининг имтиёзли маблағларини кенг жалб қилиш ҳисобига яхшилаш, уларни босқичма-босқич **ўзини ўзи молиялаштириш** тизимига ўтказиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш;

– таълимнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва илмий-тадқиқот институтлари билан **ўзаро манфатли ҳамкорлигини** йўлга қўйиш;

– **аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари**, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларнинг олий таълим билан қамров даражасини ошириш, улар учун инфратузилмага оид шароитларни яхшилаш;

Шунингдек, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун **Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини 2019 йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”** тасдиқланган. Концепция тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлар ва асосий йўналишлардан келиб чиқиб, ҳар йили алоҳида тасдиқланадиган “Йўл харитаси” орқали босқичма-босқич амалга оширилиши белгиланган.

(Давоми 5-бетда.)

(Давоми. Боши 1, 4-бетларда.)

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ҳамда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ректорлари кенгаши негизида нодавлат нотижорат ташкилот шаклидаги **Республика олий таълим кенгашини** (кейинги ўринларда – Кенгаш) ташкил этиш тўғрисидаги вазифалар белгиланган.

Кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

– профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида **сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш** ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали **олий таълим сифатини ошириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш** юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

– олий таълимни давлат томонидан бошқариш тизими самарадорлигига ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг **таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш**;

– таълим беришда юқори сифатни таъминлаш юзасидан **таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш**, бу борада **оммавий ахборот воситалари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш**;

– олий таълим муассасалари фаолиятида **очиқлик, шаффофлик ва холисликни** таъминлаш, **коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга** қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

– олий таълим тизимида **кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш** ва педагогларнинг илмий-инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича ишларни мазмунли ва мақсадли ташкил этиш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– **халқаро алоқалар натижадорлигини таҳлил қилиб бориш, қўшма дастурлар самарадорлиги-**

ни баҳолаш, ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни олий таълим тизимига жалб этиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

– олий таълим муассасалари фаолияти **самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш** бўйича хорижий илғор тажрибаларни ўрганиш асосида уларни республика олий таълим муассасалари шароитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Кенгашнинг фаолияти натижалари, ишлаб чиқилган тақлиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг хайъат мажлисида йилгига камида икки марта **Кенгаш аъзолари билан биргаликда кўриб чиқилади, натижаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади.**

Кенгаш томонидан тайёрланган тақлиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таркибида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар ҳамда олий таълим муассасалари томонидан **мажбурий тартибда кўриб чиқилади**, улар Кенгашга вазифаларини амалга оширишда **ҳар томонлама қўмақ берадилар, сўралган зарур маълумотларни тақдим этиб борадилар**. Кенгаш фаолияти натижалари, олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган тақлиф ва тавсиялар юзасидан ҳар чоракда **Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориши белгиланган қўйилган.**

Бундан ташқари, фармонда таълим сифатини яхшилаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида республика олий таълим муассасалари (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси тизимидаги олий таълим муассасалари бундан мустасно) раҳбар ходимларининг хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқишини бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик ва идорани хабардор қилган ҳолда амалга ошириш тартиби жорий қилиши, бунда олий таълим муасса-

саси раҳбар ходимлари томонидан хорижий мамлакатга хизмат сафари олдидан асосий маълумотлар, жумладан, мамлакат номи, ташриф мақсади ва режаси, сафар натижалари юзасидан эса олий таълим муассасаси кенгашига амалга оширилган ишлар ва харажатлар тўғрисида тақдим этилган ҳисобот олий таълим муассасаси веб-сайтига жойлаштирилиши таъкидланган. Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

– 2019 йил 1 декабрь кунига қадар 2030 йилга қадар республикадаги камида 10 та олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар (Quacquarelli Symonds World University Rankings, Times Higher Education ёки Academic Ranking of World Universities) рейтингининг биринчи 1 000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига, шу жумладан, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университетини биринчи 500 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритишни, бунда мазкур олий таълим муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиши;

– ҳар йили 1 декабрга қадар ўтаётган йил бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси” бажарилиши якунларини пухта ўрганиш асосида Концепцияни келгуси йилда амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” лойиҳасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиши;

– “Йўл хариталари”нинг бажарилиши юзасидан доимий мониторинг юритиши ва унинг натижаларини ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиб бориши белгиланган.

Президентимизнинг ушбу фармони мамлакатимизда олий таълимни ривожлантиришнинг янги даври бошланганлиги билдиради ҳамда олий таълимда фаолият кўрсатаётган педагог ходимларга янги ёндошувни инновацион усулларни жорий этишни талаб этади.

Ш.БОЙМУРАДОВ,
ТТА ўқув ишлари бўйича проректори

